



## ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲАЁТИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17902283>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> December 2025

Accepted: 2<sup>nd</sup> December 2025

Published: 10<sup>th</sup> December 2025

### KEYWORDS

терроризм, экстремизм,  
жамиyat, давлат,  
профилактика, хавфсизлик.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада терроризм ва экстремизм таъсирига берилишининг асосий омиллари, шунингдек ёшларни ҳуқуқий онги ва билимнинг ҳали етарли даражада шаклланмаганлиги оқибатида турли ёт оқимларга кириб қолишига сабаблари акс этган.*

Тарихга назар ташласак, ҳар бир даврда ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммолар бўлганига амин бўламиз.

Ҳозирги замоннинг глобал муаммолари сирасига ишсизлик, моддий етишмовчилик, айрим мамлакатларда аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий муҳофазаси яхши йўлга қўйилмаганлиги, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни киритиш мумкин.

Айниқса, терроризм ва экстремизмни бутун жаҳонда тарқалиб бораётган «оммавий маданият» хуружларини ёшлар тарбиясига катта хавф солаётган омиллар сифатида алоҳида санаб ўтиш лозим. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш муҳим ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Жамиyatдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг муҳим усулларида бири ҳисобланади.

Ёшларнинг терроризм ва экстремизм таъсирига берилишининг асосий сабабларидан бири уларда ҳуқуқий онг ва билимнинг ҳали етарли даражада шаклланмаганлигидадир. Яна ёшларнинг турли ёт оқимларга кириб қолишига сабаблар қаторида уларда диний маърифатнинг етишмаслиги, уни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш ҳамда ишонувчанлик, бирданига ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳоказо) эга бўлишга ҳаракат қилиш, илмий тилда айтганда, максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таҳсил олувчи ёшларда диний-маърифий билимлар етарли даражада шакллантирилмай қолмоқда. Хусусан, таълим даргоҳларида диншунослик ихтисослигига эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги сабабли ушбу фанлардан дарс ўтиш номуахассис бўлган педагогларга юклатилмоқда.

Шу билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шу билан бирга, комил инсон бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган психология ва миллий ғоя

фанлари ўтилишида ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда номутахассис бўлган педагоглар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олмай, психологиясини билмай, ғоявий бўшлиқларини тўлдиролмай қолмоқда. Натижада ёшлар орасида динни нотўғри талқин қилиш ва турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учраб турмоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, террорчилар асосан 16–35 ёшлар атрофидаги шахслардан иборат бўлади. Террорчилик жиноятларини содир этувчиларни қўйидагича таснифлаш мумкин.

Ташкилотчилар. Ушбу тоифага тегишли бўлганлар ёшлик давридан террорчилик фаолияти билан шуғулланишга мойил шахслардир. Ҳозирги замон тиббиёти нуқтаи назаридан олиб қарасак, генетик террорчилар мия структурасининг туғма ёки ёшлигидаги оғишлари натижасида ҳокимиятни қўлга олиш, бошқариш каби иллатларга мубтало бўлади.

Таъминловчилар. Бу тоифага турли кўринишдаги ноқонуний ёки жиноий йўллар орқали моддий маблағ йиғиш билан шуғулланувчи шахслар киради. Улар ёлловчи, террорчилик ҳаракатларини тайёрловчи, ўргатувчи ва технолог каби турларга бўлинади.

Ижрочилар. Мазкур шахслар террорчилик ташкилотининг энг қўйи поғонасида туради. Уларнинг асосий вазифаси бевосита террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ҳисобланади. Улар портловчи мосламани портлатиш жойига олиб борувчи, масофадан ҳаракатга келтирувчи ва ўзини-ўзи портлатувчи аёл ҳамда эркаклардир.

Фаолият олиб боришда бузғунчи ташкилотлар ва гуруҳлар қўйидаги замонавий усуллардан фойдаланмоқда:

«Ҳижрат» ва «жиҳод» ғояларини, «шаҳид бўлиш» усулларини, оммавий террор ва яширин фаолият тактикасини тарғиб қилиш;

ўз тарафдорларини ҳокимият тузилмаларига, жумладан, қуроли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нафақат тарғибот-ташвиқот, балки мустақкам ўрнашиб олиш мақсадида киритиш;

расмий диний тузилмалар вакилларининг мавқеини заифлаштириш мақсадида уларни обрўсизлантириш;

аъзоларини етарли даражада аниқ ихтисослаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш билан ташкилий тузилмаларни, пухта ўйлаб чиқилган тизимни шакллантириш ва мустақкамлаш;

ўз қаторига аҳолининг муайян қатлами вакилларини, масалан, тадбиркорларни кўплаб жалб этиш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кескин танқид қилиш, ҳокимият идоралари ва уларнинг вакилларини обрўсизлантириш;

расмий ҳокимиятга таъсир кўрсатишга мўлжалланган очиқ, намойишкорона ҳаракатларни (пикетлар, варақалар тарқатиш ва ҳоказо) амалга ошириш;

мутаасиблик руҳидаги адабиётларни кўпайтириш, бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бўш назорат қилинадиган жойларда маскан қуриш;

исломий ҳаёт тарзини ва давлат тузилишининг теократик шаклини кенг тарғиб қилиш, жумладан, босма нашрлардан фойдаланиб, варақалар тарқатиш, интернетда турли сайтлар очиб, ушбу сайтларга ўз экстремистик ғояларига мос мазмундаги материалларни жойлаштириш, дисклар тарқатиш.

Бугунги ахборот асрида бузғунчи кучлар асосий эътиборни ёшларнинг онгини эгаллашга қаратмоқда. Бунда улар турли омиллардан усталик билан фойдаланишяпти.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни баён этган: «Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим».

Сўнгги йилларда терроризмнинг турли кўринишлари вужудга келди. Аҳоли онгига таъсир кўрсатиш учун жамиятда мавжуд турли муаммоларга ирқий, диний, миллий тус бермоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда террорчилар 80 фоиз тарғиботларини интернет орқали амалга оширмоқда. Ёшларнинг маънавий тарбиясига ташқи бузғунчи кучлар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур кучлар ўзининг вайронкор ғояларини дин ниқоби остида ёшлар онгига сингдиришга уринмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, террорчилар ҳақиқий инсоний туйғулардан узоқлашган, жамиятда қарор топган қонун ва тартибларни ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида ўзгартиришга ҳаракат қилувчи шахслардир. Хавфли жиҳати шундаки, улар ўз бузғунчи ғояларини ёшлар орасида тарқатиш орқали бу каби иллатларнинг янада кенг тарқалишига сабаб бўлади, ҳали онги шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз маънавиятини бузишга уринади.

Ҳозирги террорчилик ташкилотлари ўзининг ташкилий тузилиши, чегара билмаслиги ва ўзаро алоқаларининг кенглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, террорчи ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ўз сафларига асосан ёшларни жалб қилиб, уларни руҳий ва жанговар таёргарликдан ўтказган ҳолда манқуртга айлантдиришдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида динлар тарихи, психология ва миллий ғоя фанларидан дарс берувчи педагоглар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, уларнинг малакасини ошириш;

ёшлар орасида мунтазам равишда терроризм ва экстремизмнинг зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган ғоявий тарғибот олиб бориш;

зарарли мафкура, таълимот, оқим ёки ташкилотларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан хавфлилик (хавфсизлик) даражаси тўғрисида асосли хулосалар бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш орқали ёшларнинг турли экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.- Т.,»Ўзбекистон»,2017.- 48.Б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104.Б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. – 488.Б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. –Т., 2017. 20 сен.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон // хттпс://lex.uz/уз/досс/3841957 муроджаат санаси 24.01.2024 йил
6. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26-августдаги “Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-сон Қонуни хттпс://www.lex.uz/астс/283717
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон хттпс://lex.uz/досс/6600413
8. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 1156 А.К.Закурлаев
9. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлаш гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709> 190-194 А.Закурлаев
10. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Наманган вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 феврал 1156 А.К.Закурлаев
11. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Андижон вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 март 195 б А.К.Закурлаев

12. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш: жахон тажрибалари ва маҳаллий ёндашув 4 бет Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-поцессуал маъмурий қонунчилигини замонавий талаблари билан уйғунлаштириш:30 йиллик амалий тажриба ва ривожланиш истиқболлари мавзусидаги халқаро онлайн илмий амалий конференция 2025 йил 4 апрел 193-196 А.К.Закурлаев

